БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 13 (1017)

18 ЯНВАРЬ ШАНБА 1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Кеча, Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида тўртинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси очилди

СЕССИЯДА РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОСПЛАНИНИНГ РАИСИ ДЕПУТАТ С. ЗИЁДУЛЛАЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1958 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДАГИ ДОКЛАДИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МОЛИЯ МИНИСТРИ ДЕПУТАТ В. МУРОДХЎЖАЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1958 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР 1956 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАДИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ БЮДЖЕТ КОМИССИЯСИ РАИСИ ДЕПУТАТ Т. РЎЗИБОЕВНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ ЭШИТИЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИ



Суратда: Ўзбекистон ССР тўртинчи чақириқ Олий Совети олтинчи сессиясининг мажлислар залида. И. Глауберзон фотоси.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1958 йил 17 январь мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1958 йил 17 январда эрталаб соат 10 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон ССР тўртинчи чақириқ Олий Советининг олтинчи сессияси очилди.

Раис столи ёнида Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси **А. Ҳ. Ҳакимов** ва унинг ўринбосарлари **Н. Жапақов, Н. М. Мирошхиналар** ўтиришди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссиясининг Раиси депутат **А. Тоиров** тўрт сайлов округида кетиб қолган депутатлар ўрнига 1958 йил 12 январда сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколатларини текшириш натижалари тўғрисида доклад қилди. 32—Фурманов сайлов округидан Республика Олий Совети депутатлигига Мирзамаҳмуд Мирзарахмонович **Мусахонов**, 124—Чимён сайлов округидан Саидкарим **Зиёдуллаев**, **173 — Пойтуқ** сайлов округидан Валй **Муродхўжаев**, 298 — Ғиждувон шаҳар сайлов округидан Семен Михайлович **Веселов** сайландилар.

Депутат **Б. Ғ. Мирзабековнинг** таклифига мувофиқ Олий Совет қуйидаги қарорни қабул қилди: Мандат комиссиясининг доклади тасдиқлансин ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари **М. М. Мусахонов, С. Зиёдуллаев, В. Муродхўжаев** ва **С. М. Веселов**ларнинг ваколатлари тўғри деб топилсин.

Депутат **Р. Е. Мельниковнинг** таклифига мувофиқ Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг С. К Камоловнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида **М. З. Мирзаҳмедовни** республика Министрлар Совети раиси қилиб тасдиқлаш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлайди. шунингдек депутат **С. К. Камоловни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Шунингдек, депутат В. Я. Емцовнинг бошқа ишга ўтиши муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги Фармон ҳам тасдиқланади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб депутат **И. В. Бабков** сайланади. Олий Совет депутат **Х. И. Юсуповани**нг республика Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари қилиб тайинланганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шундан кейин Олий Совет сессиянинг кун тартибига қуйидаги масалаларни киритишга бир овоздан қарор қилди:

1. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1958 йилги Давлат плани тўғрисида.
2. Ўзбекистон ССРнинг 1958 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССР 1956 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши ҳақида.
3. «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари район Советлари тўғрисида Низом»ни тасдиқлаш ҳақида.
4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Шунингдек, кун тартибига киритилган масалаларни қараб чиқиш тартиби ва сессия ишининг регламенти ҳам бир овоздан тасдиқланади.

Олий Совет кун тартибидаги масалаларни қараб чиқишнинг қабул қилинган тартибига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси депутат **С. Зиёдуллаев**нинг «Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1958 йилги Давлат плани тўғрисида»ги докладини ҳамда Ўзбекистон ССР Молия министри депутат **В. Муродхўжаев**нинг «Ўзбекистон ССРнинг 1958 йилги Давлат бюджети тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССР 1956 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисида»ги докладини тинглади. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссияси раиси депутат **Т. Рўзибоев**нинг қўшимча докладн ҳам тинглади.

* * *

1958 йил 17 январь кундуз соат 4 да Олий Советнинг Мажлислар залида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг иккинчи мажлиси очилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат А. Ҳакимов раислик қилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини 1958 йилда ривожлантириш Давлат плани тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон ССРнинг 1958 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги докладлар юзасидан муҳокамалар бошланди. Музокараларда қуйидагилар сўзладилар: депутат А. Ҳайдаров (162—Кўнчи сайлов округи, Андижон области), депутат М. Т. Турсунов (14—сайлов округи, Тошкент шаҳри), депутат Т. Сайидова (240—Янгиқўрғон сайлов округи, Самарқанд области), депутат Э. Қодиров (303—Вобкент сайлов округи, Бухоро области), депутат Н. Жапақов (350—Чимбой қишлоқ сайлов округи, Қорақалпоғистон АССР), депутат Ш. Шоназаров (23—Тошкент—Киров сайлов округи, Тошкент шаҳри), Ўзбекистон ССР қурилиш ишлари министри А. В. Курганов, депутат Қ. Еқубжонов (412—Денов—қишлоқ сайлов округи, Сурхондарё области), депутат Э. Эгамбердиев (30—Наримонов сайлов округи, Тошкент шаҳри), депутат Ф. Ш. Шамситдинов (146—Қорабўйин сайлов округи, Фарғона области), депутат Х. И. Юсупова (29—Андреев сайлов округи, Тошкент шаҳри), депутат Р. З. Ортиқов (247—Ҳуррият сайлов округи, Самарқанд области), Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри Ж. Хоназаров, депутат Х. Ж. Жалилов (58—Паркент сайлов округи, Тошкент области).

Шу билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси тугади.

Мусобақа илғорларига кўчма Қизил байроқ берилди

Тошкент область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети шудгорлашнинг бориши тўғрисида МТС лар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 11 январдан 15 январгача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область ижроия комитети ва область партия комитетининг кўчма Қизил байроғи **1-Верхне-волинск МТСига** (директори **Холбоев**, партия ташкилотининг секретари **Ризаев**, бош агроном **Сулаймонов**, бош инженер **Подольский** ўртоқлар) берилди. Бу МТС ўтган беш кунликда йиллик планга нисбатан 19,6 процент ерни шудгор қилган ва шудгорлаш планини 61,9 процент бажарган. Байроқ 1-Мирзачўл МТСидан олиб берилди.

Шудгорлашда намуна кўрсатган илгор механикларни, тракторчиларни, прицепшчикларни ва МТС ишчиларини мукофотлаш учун 1-Верхне-волинск МТСига 3 минг сўм пул берилди.

1-Гулистон ва **2-Янгийўл** МТСларининг шудгорлаш бўйича яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Область ижроия комитети ва область партия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозига** (директори **Бойметов**, партия ташкилотининг секретари **Ермилов**, бош агроном **Зокиров**, бош инженер **Дворкин** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз ўтган беш кунликда йиллик планга нисбатан 16,8 процент ерни шудгор қилган, шудгорлаш планини 79,0 процент бажарган.

Шудгорлашда намуна кўрсатган механизаторларни, тракторчиларни, прицепшчикларни ва совхоз ишчиларини мукофотлаш учун 2-«Далварзин» совхозига 3 минг сўм пул берилди.

3-«Боёвут» ва **«Мирзачўл»** совхозларининг шудгорлаш бўйича яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари

Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари ва интеллигенциясининг зўр ижодий ғайрат билан меҳнат қилиб, ўтган хўжалик йилини муваффақиятли [illegible] ва КПСС XX съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган янги муҳим вазифаларни ҳал этишга киришди. СССР Олий Советининг яқинда Москвада бўлиб ўтган тўққизинчи сессияси қарорлари бутун совет халқи билан бирга Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида ҳам қувончли перспективаларни очиб берди. СССР Олий Советининг бу сессияси 1958 йил СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат планини ва СССРнинг 1958 йилги Давлат бюджетини тасдиқлади.

Халқ вакиллари — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари олтинчи беш йилликнинг учинчи йилида республикада қилинадиган ишларнинг конкрет программасини белгилаш, партия ва ҳукуматнинг топшириқларини тез вақт ичида бажариш йўлларини белгилаш масалаларини муҳокама қилмоқ учун 17 январда Тошкентда Олий Совет сессиясига тўпландилар.

Сессия Олий Советнинг мажлислар залида ўтмоқда. Зал кишилар билан лиқ тўлган. Ҳукумат ложаларида **М. А. Абдураззоқов, Г. А. Габрильянц, Р. Ғ. Ғуломов, С. К. Камолов, Р. Е. Мельников, М. З. Мирзаҳмедов, Қ. Муртазаев, С. Н. Нуритдинов, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, А. Н. Рудин,** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, министрлар ўтиришди. Залда депутатлар билан бирга жуда кўп меҳмонлар — ишлаб чиқариш илғорлари, фан ва маданият арбоблари ҳам бор.

Олий Советининг биринчи мажлиси эрталаб соат 10да бошланади. Сессия Мандат комиссиясининг докладини тинглайди, кун тартибини ва ўз ишининг регламентини тасдиқлайди.

Депутат **Р. Е. Мельниковнинг** таклифига мувофиқ, Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг С. К. Камаловни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги, **М. З. Мирзаҳмедовни** республика Министрлар Советининг раиси қилиб тасдиқлаш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлайди ҳамда депутат **С. К. Камоловни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси қилиб сайлаш ҳақида қарор қабул қилади. Шунингдек, депутат В. Я. Емцовни бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги Фармон ҳам тасдиқланади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб депутат **И. В. Бабков** сайланади. Олий Совет депутат **Х. И. Юсуповани** республика Соғлиқни сақлаш министри ўринбосари қилиб тайинланганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шундан кейин, раислик қилувчи — Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси **А. Ҳакимов** Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш 1958 йилги Давлат плани тўғрисида доклад қилиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси депутат **С. Зиёдуллаев**га сўз беради.

Докладчи партия XX съезднинг тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашда Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг эришган ютуқлари тўғрисида гапириб, ўтган йилда саноатни ва қурилишни бошқаришнинг қайта қурилганлиги ижобий натижалар берганлигини таъкидлайди. Республика саноати йиллик пландан ташқари 979 миллион сўмлик маҳсулот чиқарди. Ишлаб чиқариш ҳажми 1956 йилдагига нисбатан 11 процент кўпайди, машинасозлик саноати эса 314 миллион сўмлик ўсиш берди. Пахтачиликни ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун зарур бўлган янги хил машина ва ускуналар чиқарила бошланди. Саноатда меҳнат унумдорлиги 1956 йилдагига нисбатан 7 процент ошди. Таннархини пландагига нисбатан камайтиришга эришилди.

Лекин, дейди сўнгра докладчи, 1957 йил плани муваффақиятли бажарилгани билан саноатнинг ишида жиддий нуқсонлар ҳам бўлди. Маҳсулотнинг айрим муҳим хиллари бўйича давлат плани бажарилмади. Маҳсулотнинг сифати, ассортименти айниқса енгил, озиқ-овқат, маҳаллий ва кооператив саноатида ҳали ҳам ўсиб кетган талабларга жавоб бермайди. Бир қанча корхоналарда ишлаб чиқариш қувватидан ва мавжуд ишчи кучларидан фойдаланиш иши яхши эмас, хом ашё, ёқилги, электр қувватининг ортиқча сарфланишига йўл қўйилмоқда. Барча саноат ходимларининг энг муҳим вазифаси бу камчиликларни тугатишдан иборатдир.

1957 йилда республиканинг қишлоқ хўжалигида ҳам катта ютуқларга эришилди. Ўтган йилда об-ҳавонинг жуда ноқулай келишига қарамай колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг гоят катта ёрдамига таяниб, саноат корхоналари ишчилари ҳамда шаҳар аҳолисининг кенг иштироки билан пахта тайёрлаш давлат планининг мудлатидан илгари бажарилишини таъминладилар ва 2.750 минг тонна пахта топширдилар, шу жумладан пахтанинг 80 процентдан ортиқ қисми биринчи сортга топширилди. Гўшт етиштириш 1956 йилдагига нисбатан 84 минг центнер ёки 14 процент, сут етиштириш 600 минг центнер ёки 34 процент, жун етиштириш 31 минг центнер, ёки 24 процент, тухум етиштириш 11,9 миллион дона, ёки 60 процент кўпайди. Республика ғалла, пилла, қоракўл тери, каноп, тамаки, сабзавот ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планларини бажарди.

Сув хўжалик қурилиши йиллик плани умуман республика бўйича ва муҳим объектлар бўйича ҳам биринчи марта мудлатидан илгари бажарилди. КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг қарори билан Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари гоят даражада кенгайтириб юборилди.

Совхозларни янада кенгайтириш ва ривожлантириш юзасидан анча ишлар қилинди. Колхозлар ва машина-трактор станциялари базасида 82 та янги совхоз ташкил этилди. Бу совхозлар 3,2 миллион гектар ерга эга бўлиб, шу жумладан 200 минг гектар пахта майдонига, йирик қора молларга ва 2 миллион бошга яқин қўйга эгадирлар.

Докладчи қишлоқ хўжалигидаги мавжуд камчиликларни кўрсатиб, сўнгра капитал қурилишни характерлайди.Республика халқ хўжалигига давлат томонидан чиқарилаётган капитал маблағнинг ҳажми 1957 йилда 11 процент кўпайди. Лекин капитал маблағни кўпсонли объектларга чочиб юбориш ҳоллари ҳали ҳам бор, бу эса қуриб битказилмаган қурилишларнинг кўпайиб кетишига олиб боради. Кўпгина объектларда қурилиш сифати паст бўлиб, материаллар, шунингдек иш ҳақи фонди ортиқча сарф қилинмоқда, бу ҳол қурилиш баҳосини қимматлаштириб юборишга олиб боради. Индустриал методлар секин жорий қилинмоқда ва механизмлардан ёмон фойдаланилмоқда.

1957 йилда республика меҳнаткашлари моддий фаровонлигини янада оширишга эришилди.

1958 йилги план Партия ва Ҳукумат томонидан шу яқин 5-7 йил учун белгиланаётган асосий вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган тадбирларни: Ўзбекистон территориясида хўжаликнинг барча тармоқларини комплекс суратда ривожлантириш, ҳар бир иқтисодий район ва областнинг ишлаб чиқариш ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш, областлар, районлар ва бошқа иттифоқчи республикалар билан хўжалик алоқасини янада яхшилаш тадбирларини кўзда тутади. Ўтган йиллардан фарқ қилиб 1958 йил плани қуйида ишлаб чиқилди. Планда корхоналар, қурилишлар, МТСлардан, совхоз ва колхозлардан тушган таклифлар кенг ифодаланган.

Республика саноати 23.420 миллион сўмлик—1957 йилдаги ҳақиқий даражадан 1.100 миллион сўмлик ортиқ маҳсулот чиқариши керак.

Электр қуввати ишлаб чиқариш 1957 йилда ишлаб чиқарилган 4 миллиард ўрнига 5.087 миллион киловатт-соатни ташкил этади. Биргина ана шу ўсишнинг ўзи 25 миллион аҳолиси бўлган Туркия сингари мамлакатда ишлаб чиқарилаётган барча электр қувватидан 80 процент ортади. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига электр қуввати ишлаб чиқариш 1958 йилда Покистондагига нисбатан 98 марта ортиқ бўлади. Янги техникани янада жорий қилиш, республика электростанцияларини автоматлаштириш ва телемеханизациялаш кўзда тутилади.

Республикада ёқилги чиқаришни кўпайтириш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Кўмир чиқариш ўтган йилдагига нисбатан 12 процент, нефть чиқариш 11 процент ортади. Нефтни қайта ишлайдиган Фарғона заводининг биринчи навбатини йил охирида ишга туширишни мўлжалланади.

Табиий газ чиқариш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ишлар кенг миқёсда олиб борилади. Газ чиқариш 56 процент ортади. Хўжаобод-Фарғона газ қувурини қуриб ишга туширишни, Шимолий Сўх нефть конидан Фарғона шаҳригача газ қувури қуришни, шунингдек Андижон группасидаги нефть конларида газ йиғиш ва компрессор иншоотларини қуришни мўлжалланади. Бухоро иқтисодий райони табиий газ чиқариш ва уни қайта ишлашда истиқболли жуда каттадир. 1958 йилда Жарқоқ-Бухоро участкасида магистрал газ қувури қуриш учун 50 миллион сўм ажратилади. Бухорода табиий газ конларидан фойдаланиш негизида химия саноатининг янги тармоқлари вужудга келади.

Ўзбекистон ССРда химия саноатини ривожланиши пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш билан маҳкам боғлиқдир. 1958 йилда азот ўғитлари (сульфат аммонияга айлантириб ҳисоблаганда) 1957 йилдагидан 25 процент кўп ишлаб чиқарилади, фосфатли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳам кўпаяди. 1958 йилда Қўқон суперфосфат заводининг янги цехи ишга туширилади. Самарқанд заводида қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашиш учун заҳарли дориворлар ишлаб чиқарадиган цех қуриш мўлжалланади ва донадор суперфосфат ишлаб чиқарила бошлайди.

Кейинги йилларда ўтказилган геология-қидирув ишлари Ўзбекистон республикаси рангли металлургияни ривожлантириш учун хомашёга бой эканлигини кўрсатади. Планда турли концентратлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилади.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Республика машинасозлари олдида ирригация қурилиши, ерларни текислаш, ғўзани қирқма усулда парвариш қилиш ҳамда пахта терши учун керакли машиналар комплексини вужудга келтириш ва ишлаб чиқариш вазифаси турибди. Тошкент халқ хўжалиги кенгаши корхоналарида эксковаторлар ишлаб чиқариш 15 процент, квадрат-уялаб экиш учун керакли осма сеялкалар 25 процент ортиқ ишлаб чиқарилади. Автомобиль ва трактор прицеплари ишлаб чиқариш 2,7 баравар ортади. Пахта тозалаш саноати учун керакли технология ускуналари ва запас қисмлар ишлаб чиқаришни анча ошириш мўлжалланган. Тошкент халқ хўжалиги кенгаши шу маҳсулотни ишлаб чиқаришни 54 процент кўпайтиради.

1958 йил планида цемент, шифер, ойна, оҳак, гипс, деворбоп материаллар ва томга ёпиладиган материалларни кўплаб ишлаб чиқариш ва шунингдек йиғма темир бетондан ҳамда гипсдан қилинадиган қурилиш конструкциялари ва деталларини кўплаб ишлаб чиқариш кўзда тутилади. Мана булар янги корхоналарни ишга туширилишини ва мавжуд бир қанча корхоналарни реконструкция қилишни таъминлайди.

Республикада 1958 йилда 217 миллион метр ип-газлама, ёки 1957 йилдагидан 5,5 миллион метр кўп ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга аҳоли кўп талаб этадиган газламалар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга катта эътибор берилади. Шойи газламалар 19,4 миллион метр ишлаб чиқарилади, устки кийимлик трикотаж ишлаб чиқариш 54 процент, ички кийимлик трикотаж ишлаб чиқариш 20 процент кўпаяди. Пойафзал чиқариш ҳам кенгайтирилади. Озиқ-овқат саноатида сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни гоят кўпайтириш кўзда тутилади.

Маҳаллий саноат ва ҳунармандчилик кооперацияси корхоналари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни 7 процент, шу жумладан Қорақалпоғистон АССРда 15 процент, Сурхондарё ва Бухоро областларида 13 процент, Қашқадарё ва Хоразм областларида 10 процент кўпайтирилиши керак. Бунинг учун маҳаллий хомашёдан ва давлат корхоналарининг ишлаб чиқариш чиқитларидан кенг фойдаланиш керак.

Докладчи 1958 йилги халқ хўжалик плани саноатнинг барча тармоқларини сер унум янги машиналар, станоклар ва бошқа асбоб-ускуналар билан, шунингдек автоматика воситалари билан тобора кўпроқ таъминланиш кўзда тутади, деб таъкидлайди. Бу чора меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун замин тайёрлаб бериши керак. 1958 йил планида саноатда меҳнат унумдорлигини ўрта ҳисоб билан 3,1 процент кўпайтириш мўлжалланади. Саноат маҳсулоти ўсишининг тўртдан уч қисмига яқини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳосил қилиниши керак. Товар маҳсулотининг таннархини 1,85 процент миқдорида камайтириш мўлжалланган.

Докладчи қишлоқ хўжалик масалаларига тўхталиб, кўрсатадики, пахтачиликни янада ривожлантириш республика меҳнаткашларининг асосий вазифасидир. Пахта етиштириш 1957 йилдаги 2750 минг тонна ўрнига 2 миллион 915 минг тоннага етказилади. Пахта ҳосилини кўпайтириш мақсадида ғўзани квадрат-уялаб жойлаштириш ва икки томонлама парвариш қилиш усулига ҳамма ерда ўтиш керак. Камида 700 минг гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экиш белгиланган. Бу йил республикада ҳар гектар ердан 20 центнердан кам ҳосил етиштирадиган битта ҳам колхоз ва совхоз бўлмаслиги керак.

1958 йил планида транспорт ва алоқани янада ривожлантиришга катта ўрин берилган. Тошкент темир йўлида юк ва пассажир ташиш анча ортади. Ўзбекистон граждан Ҳаво флоти бошқармаси бўйича юк ташишнинг умумий ҳажми 29 процент ортади. Авто транспортда юк ташиш 20 процент кўпаяди. Авто паркларни ва янги тош йўл қурилишини кенгайтириш кўзда тутилади. Алоқа воситалари ҳозирги замон техникаси асосида янада ривожлантирилади ва реконструкция қилинади.

Докладчи капитал қурилиш масалаларига тўхталиб айтадики, 1958 йилда капитал қурилишларга давлат йўли билан ажратиладиган маблағ 3 миллиард 571 миллион сўмни ташкил этади, бу миқдор ўтган йилдагидан 22 процент ортиқдир. Оғир саноатга 1 миллиард 410 миллион сўм ёки бутун капитал маблағнинг қарийб 40 процентини сарфлаш кўзда тутилади. Қишлоқ хўжалигига 1 миллиард 18 миллион сўм, транспорт ва алоқани ривожлантириш учун 107 миллион сўм, енгил ва озиқ-овқат саноатининг қувватини ошириш ва бу саноат корхоналарини реконструкция қилиш учун 296 миллион сўм ажратилади. Планда қурилиш ташкилотларини механизмлар билан ва янги техника билан таъминлашга ҳамда бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг қувватини тез суръатлар билан оширишга алоҳида эътибор берилган.

Қурилиш-монтаж ишларига чиқарилган 550 миллион сўм уй-жой қурилишига сарфланади. 1958 йилда давлат йўли билангина 426 минг квадрат-метр ҳажмда уй-жой қурилиши лозим. Шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида якка тартибда 260 минг квадрат-метр ва қишлоқ жойларда 140 минг квадрат-метр уй-жой қурилади.

Республикадаги қурилиш ташкилотларининг 1958 йилдаги асосий вазифаларидан бири — 3 миллиард 544 миллион сўмлик асосий фондни сарфлашдан иборатдир. Докладчи меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш юзасидан 1958 йил учун мўлжалланган тадбирларни характерлаб айтадики, республикада бутун халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларни 1957 йилдаги 948 минг киши ўрнига 1 миллион 80 минг кишига етказиш, шунингдек саноат ва қурилишда ўртача иш ҳақни ошириш кўзда тутилади. Колхозчиларнинг даромадлари ортади. Шунга мувофиқ аҳолининг харид қуввати ҳам ошади.

1958 йилда давлат ва кооператив савдосининг товар обороти 1957 йилдагига нисбатан 1,5 миллиард сўм ортиқ бўлади. Аҳолига озиқ-овқат ва саноат товарларини анча кўпроқ сотиш мўлжалланади. Магазинлар, омборлар кўпайтирилади ҳамда савдо корхоналари зарур асбоб ва ускуналар билан кўпроқ таъминланади.

1958 йилда республика коммунал хўжалиги янада ривожлантирилади. Электр шохобчалари 166 километр ва водопровод шохобчалари 59 километр кенгайтирилади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Термизда янги меҳмонхоналар фойдаланишга топширилади. Шаҳарлар ва район марказларини обод қилиш масалаларига жиддий эътибор берилади.

Планда меҳнаткашларнинг соғлигини сақлаш масалалари катта ўрин олган. Касалхоналардаги ўринларнинг сони 3.800 та ортади. Норин, Қамаши районларида янги касалхоналар, Термизда сил касалликларини даволайдиган корпус, Қарши касалхонасининг филиали, Тошкентда тез ёрдам касалхонаси ва онкология касалхонасининг бинолари қурилиб фойдаланишга топширилади. Давлат бюджети маблағлари билан таъминланадиган болалар яслиларидаги ўринлар 8.500 тага ва республика санаторийларидаги ўринлар 270 тага ортади.

Умумий таълим мактабларидаги ўқувчиларнинг сони анча кўпаяди. Маҳаллий Советларнинг капитал маблағлари ҳисобига 6.840 ўринли 16 та янги мактаб қурилади. Республика халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун тайёрланилган олий ва ўрта маълумотли мутахассислар кўпаяди. Фан, маданият ва санъат янада ривожланади.

Депутат Зиёдуллаев докладини тамомлаб бундай деди: Ўзбекистон ССР Олий Советининг муҳокамаси ва тасдиқига тақдим этилган халқ хўжалигини ривожлантириш 1958 йилги плани экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларини янада зўр бериб юксалтириш учун республика меҳнаткашларига кенг истиқболлар очиб беради. Бизнинг республикамизда табиий бойликлар ва хомашё рессурслари, ишлаб чиқаришнинг қудратли воситалари ва яхши тайёрланган мутахассислар, малакали ишчилар ҳамда колхозчилар кўпдир. Техникани, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, моддий техника рессурсларидан самарали фойдаланиш ва меҳнаткашлар ўртасида социалистик мусобақани кенг ривожлантириш асосида ана шу резервларни сафарбар қилиш — республика олдида 1958 йилда турган гоят катта халқ хўжалик вазифаларини муваффақият билан бажариш имконини беради.

Ўзбекистон ССРнинг 1958 йилги Давлат бюджети ва 1956 йилги республика Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисида Молия министри депутат **В. Муродхўжаев** доклад қилди.

Сизнинг муҳокамангизга ва тасдиқингизга тақдим этилаётган Ўзбекистон ССРнинг 1958 йилги бюджети, — деди у, — халқ хўжалик планига тўла мувофиқ суратда тузилган ва халқ хўжалигининг ана шу планда кўзда тутилган бундан кейинги ривожланишини ва республика меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини ҳамда маданий савиясини оширишни молия ресурслари билан тўла равишда таъминлайди.

Партия ва Совет ҳукумати томонидан 1956 йилда иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқларини янада ошириш юзасидан кўрилган тадбирлар ва иттифоқ ихтиёридан бутун бошлиқ яна бир қанча корхоналарнинг улар қарамоғига берилганлиги Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан 1956 йил учун тасдиқланган республика Давлат бюджетининг шу бюджет бажарилиши вақтида 553 миллион 292 минг сўм ёки 12,9 процент кўпайишига сабаб бўлди.

Республиканинг 1956 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 4.901.789 минг сўм ёки 101,4 процент ва ҳаражатлар бўйича 4.795.039 минг сўм ёки 99,3 процент бажарилди.

Даромадлар ҳаражатлардан 106.750 минг сўм ортиқ бўлди.

1957 йилда саноатни ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил этишнинг амалга оширилганлиги Ўзбекистон ССР Давлат бюджети ҳажмини янада ўсишига сабаб бўлди. Республиканинг Давлат бюджети йил давомида 2 миллиард 515 миллион 515 минг сўм кўпайди.

Ўтган йилда республика халқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган натижалар Давлат бюджетини муваффақият билан бажариш учун зарур шарт-шароитни яратди.

Дастлабки маълумотларга қараганда бюджет даромадлар бўйича 8 миллиард 96 миллион 139 минг сўм ёки 102,6 процент ва ҳаражатлар бўйича 7 миллиард 846 миллион 540 минг сўм ёки 99,7 процент бажарилмоқда, даромад ҳажматларга нисбатан 249 миллион 599 минг сўм ортиқ.

1957 йилги бюджетдан халқ хўжалигини маблағ билан таъминлашга 4 миллиард 30 миллион 785 минг сўм сарфланди.

Социал-маданий тадбирлар учун бюджетдан 3 миллиард 461 миллион 299 минг сўм чиқарилди, бу маблағнинг катта қисми маориф ишлари учун берилди.

Республикада янги совхозлар ташкил этилганлиги муносабати билан уларни маблағ билан таъминлаш учун 100 миллион сўм берилди.

Докладчи 1957 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги дастлабки маълумотларга баҳо бериб, республиканинг 1957 йилда бюджет даромадларини янада анча кўпроқ ошириб бажариш имкониятига эга бўлганлигини таъкидлайди. Баъзи министрликлар ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари мавжуд резервларнинг ҳаммасидан фойдаланмадилар.

Саноатта ва қурилишга раҳбарлик қилишнинг янги формалари ўтган йилда ижобий натижалар берди. Халқ хўжалиги кенгашлари пландан ташқари 1 миллиард сўмликка яқин маҳсулот чиқарилишини таъминладилар, ўз корхоналарининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшиладилар ва бюджет олдидаги мажбуриятларини бажардилар. Афсуски, ёмон ишлаётган корхоналар ҳам оз эмас. Бу корхоналарнинг ишини яхшилаш хўжалик ичида жамғарма тўплашни кўпайтириш ва бюджет даромадларини оширишнинг катта резервларидан бири ҳисобланади. Бу резервлар саноатдагина эмас, балки республика халқ хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқларида ҳам бор. Докладчи жамғарманинг фойдаланилмай қолган резервларини конкрет мисоллар билан кўрсатиб беради. Пахта тозалаш саноати пахтани сортларга қайта ажратишда ва пахта толасининг сифати пасайтирилишида йил сайин кўп зарар кўрмоқда. Ўзбекистон халқ хўжалиги кенгашининг пахта тозалаш заводлари 1957 йилнинг тўққиз ойи ичида сортларда қайта ажратишда ва тола сифати пасайтирилишида 14 миллион сўм маблағ йўқотдилар.

МТСлар 1957 йилда бир гектар ерни шартли ҳайдашнинг таннархини 57 тийин қимматлаштириб юборилар ва бунинг натижасида давлатнинг 9 миллион сўмга яқин маблағи ортиқча харажат қилинди. Совхозлар чорвачилик соҳасида пландан ташқари катта зарарлар бўлишига йўл қўймоқдалар. Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги хўжаликни бундай беғамлик билан бошқариш фактларидан четлаб ўтмаслиги керак.

1958 йилги халқ хўжалик плани ва бюджетнинг муваффақиятли бажарилиши учун совнархозлар, министрликлар, ташкилотлар ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари хўжаликнинг барча звеноларида иқтисод режимини жорий этиш учун курашни кучайтириб юборишлари зарур. Меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун резервларни аниқлашга алоҳида эътибор берилмоғи керак.

Депутат Муродхўжаев 1957 йилда бюджетдан чиқарилган маблағлардан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида гапириб, баъзи министрликлар томонидан капитал қурилиш учун чиқарилган маблағлардан қониқарсиз фойдаланилганлигини кўрсатади. Масалан, соғликни сақлаш министрлиги 1957 йил 1 декабргача капитал қурилиш учун чиқарилган маблағни ўзлаштириш планини атиги 64,8 процент бажарди.

Янги ишлаб чиқариш қувватларини ва объектларини ишга тушириш планининг қониқарсиз бажарилиши капитал қурилишлар учун чиқариладиган давлат маблағларидан фойдаланиш ишидаги асосий камчиликдир. Бу ҳол қуриб битказилмаган қурилиш миқдорининг ва халқ хўжалигининг бир қанча муҳим тармоқларига капитал сарфланишининг кўпайишга олиб келади ҳамда республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга жиддий халақит беради.

Кўпгина қурилиш ташкилотлари иш ҳаки фондини кўплаб ортиқча сарфлашга, қурилиш ишида брак бўлишига, бажарилган ишларнинг ҳажмини ошириб кўрсатишга йўл қўйишда давом этмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси қурилишни қимматлаштириб юборади.

Ўзбекистон корхоналарида ва қурилишларида ускуналарнинг нормадан ташқари запаслари ҳали ҳам кўп бўлиб, бу ҳол маблағнинг сунъий равишда фойдаланилмай қолиб кетишига олиб келмоқда. Айрим корхоналар маблағларнинг кўп объектларга чочиб юборилишига йўл қўймоқдалар.

Совнархозлар, министрликлар ва идораларнинг, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари ва молия органларининг вазифаси шундан иборатки, халқ хўжалигини ривожлантириш ва социал-маданий тадбирлар учун чиқариладиган маблағлардан фойдаланишда кўрсатиб ўтилган камчиликлар 1958 йилда тугатилсин.

Сўнгра депутат В. Муродхўжаев Ўзбекистон ССРнинг 1958 йилги Давлат бюджетини характерлаб беришга ўтади. Республиканинг 1958 йилги бюджети даромадлар бўйича 8 миллиард 608 миллион 52 минг сўм ва ҳаражатлар бўйича 8 миллиард 589 миллион 376 минг сўм миқдорида, бюджетнинг 1957 йилда бажарилиши кутилаётганидан 742 миллион 836 минг сўм ёки 9,5 процент ортиқ белгиланган.

1958 йилги Давлат бюджетида асосий ўрнини аввалги йиллардаги сингари социалистик корхоналарнинг даромадлари эгаллайди. Бу даромадларнинг обсолют миқдори ўтган йилдагига нисбатан 1 миллиард 106 миллион 454 минг сўм кўпайиб, 6 миллиард 835 миллион 391 минг сўмни ёки бюджетдаги ҳамма даромадларнинг 79,4 процентини ташкил этади.

Совнархозлар, министрликлар, идоралар, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари 1958 йилнинг дастлабки кунлариданоқ ишлаб чиқариш ва жамғарма тўплаш планларининг бажарилиши учун корхоналарнинг бир меёрда ишлашини таъмин этишлари, иқтисод режимини кучайтиришлари, хўжалик ичида жамғарма тўплашни кўпайтириш учун резервларни тўхтовсиз аниқлаб туришлари ва давлат молия интизоми даражасини кўтаришлари керак.

Бюджетда аҳолидан олинадиган солиқ тўловлари салмоғининг йил сайин камайтирилаётганлиги социалистик бюджет учун характерлидир. Улар жами 6,4 процентни ташкил этади, шу билан бирга аҳолидан олинадиган солиқ тўловларининг абсолют суммаси тахминан 100 миллион сўмга камаяди. Социалистик система, партия ва ҳукуматнинг совет кишилари фаровонлиги тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги ана шу фактда ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Совет ҳукуматининг қарори билан ўтган йилнинг бошида кам иш ҳақи оладиган категориядаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ошириш билан айни бир вақтда иш ҳақининг солиқ олинмайдиган минимуми оширилди, бу эса анчагина ишчи ва хизматчиларни солиқ тўлашдан тўла равишда озод қилишга олиб келди. Бундан ташқари, ишчи ва хизматчиларнинг катта қисми учун даромад солиғи миқдори камайтирилди. 1958 йил 1 январдан бошлаб бўйдоқлар, ёлғиз ва кам оилали гражданлар, болалари бўлган ҳамма кишилар, шунингдек ёлғиз хотин-қизлар солиқ солишдан озод қилинди.

1958 йилдан бошлаб давлат заёмларини ёзилиш йўли билан тарқатишнинг тўхтатилиши, аҳолидан олинадиган солиқ тўловларининг камайтирилиши, 1958 йил 1 январдан бошлаб колхозчилар ва бошқа гражданлар томонидан давлатга мажбурий тартибда чорвачилик маҳсулотлари топширишнинг бекор қилиниши, шунингдек партия ва ҳукумат томонидан меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш юзасидан ўтказилган бошқа тадбирлар аҳоли даромадининг тобора ўсишини таъминлаш билан бирга аҳолининг пул жамғармалари янада кўпайиши учун шароит яратди. Сўнгги уч йил ичида меҳнаткашларнинг омонат кассаларига қўйган пуллари қарийб икки баравар кўпайди, 3 процентли ютуқли заём облигацияларини сотиб олиш эса кўпайди ва 137 миллион сўмга етди.

1958 йилги бюджетда республика омонат кассалари томонида давлат заёмларини сотиб олишдан 150 миллион сўм миқдорида, 3 процентли давлат ички ютуқ заёмини тарқатишдан 32,5 миллион сўм ва пул-буюм лотереяси ўтказишдан 80 миллион сўм тушум келиши кўзда тутилади. Давлат социал страховонияси маблағидан давлат бюджетига келадиган тушум катта суммани ташкил этади. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ихтиёрий страхование қилишнинг аҳамияти ва уни расмийлаштириш тартибини аҳолига тушунтириш ишларини кучайтириб юборишлари керак, чунки бу йўл билан маблағларнинг тушуми маҳаллий бюджетлар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Докладчи бюджетнинг харажат қисмини характерлаб, Давлат бюджетининг харажатлар структурасида жиддий ўзгаришлар бўлганлигини таъкидлайди. Агар 1956 йилда халқ хўжалигини маблағ билан таъминлаш учун бюджетдан 33,1 процент ва социал-маданий тадбирлар учун 59,9 процент маблағ чиқарилган бўлса, бу йил халқ хўжалиги харажатларининг салмоғи ошади ва 50,3 процентни ташкил этади.

1958 йилда республикада уй-жой қурилиши янада авж олдирилади. Давлатнинг ана шу мақсад учун қиладиган харажатлари 1957 йилда амалда қилинган харажатлардан 20 процент кўпаяди.

Бутун мамлакатдаги сингари бизнинг республикамизда ҳам, дейди нотиқ, социал-маданий тадбирлар учун маблағ чиқариш узлуксиз кўпаймоқда. Бу эса ҳамма ерда социал-маданий муассасалар тармоқларини кенгайтириш, улар томонидан меҳнаткашларга кўрсатиладиган хизматни яхшилаш, фаннинг янада ривожланишига ёрдам бериш имконини беради.

Ўтган йилда республикада Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ташкил этилганлиги катта воқеа бўлди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси институтларининг ишлари анча кенгайтирилади. Янги илмий-текшириш институтларининг шохобчаси барпо этилади. Фанни ривожлантириш учун давлат томонидан чиқариладиган маблағ ўтган йилдагига нисбатан 29 процент кўпайтирилади.

Социал-маданий тадбирлар учун 1958 йилги Давлат бюджетидан ҳаммаси бўлиб 3 миллиард 736 миллион сўм сарфланади, шу маблағнинг қарийб учдан икки қисми маориф ишлари учун, учдан бир қисмига яқини соғлиқни сақлаш учун сарфланади. Социал таъминот иши учун ярим миллиард сўмдан кўпроқ маблағ чиқарилади.

Чиқариладиган маблағлар маориф ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги оммавий муассасалар тармоқларининг янада кенгайтирилишини таъминлайди. Умумий таълим мактабларининг сони йил охиригача 6246 тагача етказилади, улардаги ўқувчиларнинг сони эса 1.316.500 болага етказилади, интернат-мактаблар 18 тага, уларда тарбияланувчи болаларнинг сони эса 4.400 тагача, етказилиб, ўтган йилдагидан икки баравар кўп бўлади. Олий ва ўрта ўқув юртларини маблағ билан таъминлаш учун аввалдагидек кўп маблағ чиқарилади. Улардаги ўқувчиларнинг умумий сони сиртдан ўқувчилар билан бирликда 89.000 минг кишига етади. Болалар муассасаларининг харажатлари учун чиқариладиган маблағ анча кўпайтирилади.

Давлат бошқармаси органларининг харажатлари учун 1957 йилда қилинган ҳақиқий харажатлар даражасида маблағ чиқариш кўзда тутилди. Давлат бюджети проектида аппаратни бошқаришни янада такомиллаштириш ва ана шу асосда маъмурий-идора харажатларини қисқартириш ҳисобидан 38 миллион сўм маблағни тежаб қолиш кўзда тутилади.

Совнархозлар, министрликлар, идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ва молия органлари штатлардаги ва маъмурий-бошқарма харажатларидаги ҳар қандай ортиқчаликларни тугатиш чораларини кўришлари керак, аппаратда кераксиз ва кўпинча ишга зарар келтирадиган майда структура бўлинмаларини тўғатиш ҳамда бюджет проектида шу соҳада кўзда тутилган маблағ тежалишини таъминлашлари зарур.

Маҳаллий бюджетларга катта эътибор берилмоқда. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги ва кўп миқдордаги саноат корхоналарининг республика ихтиёридан улар қарамоғига берилганлиги маҳаллий бюджетларни ўстиришга олиб келди, ижроия комитетларининг ўз қарамоқларидаги корхоналар ҳамда хўжалик органларининг хўжалик-молиявий ишларига раҳбарлик қилишдаги ролини ошириди.

1958 йилда маҳаллий бюджетлар 3 миллиард 223 миллион 508 минг сўм миқдорида белгиланди ва у 1956 йил бюджетидан 17,3 процент ортади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси қишлоқ хўжалик солиғидан ва колхозлардан олинадиган даромад солиғидан келадиган тушумнинг тўла равишда уларга берилиши, шунингдек аҳолидан олинадиган даромад солиғи тушумидан бериладиган ажратманинг 10 процентдан 100 процентгача ва МТСларнинг даромадидан келадиган тушумдан бериладиган ажратманинг 5 процентдан 50 процентгача кўпайтирилиши билан мустаҳкамланди.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари мажбур тўловларнинг маҳаллий бюджет даромадларида катта салмоққа эга эканлигини, ҳисоб-китоб олиб, бюджетга даромадларнинг ўз вақтида ва тўла тушишини таъминлаш мақсадида молия органларининг солиқ ишларига раҳбарликни кучайтиришлари ва МТСларнинг иши устидан контролликни кучайтиришлари зарур.

Депутат Муродхўжаев докладининг охирида бундай деди:

— Ўзбекистон ССРнинг 1958 йилги халқ хўжалик плани ва Давлат бюджети шонли Коммунистик партиямиз ленинча миллий сиёсати тантанасининг янги ёрқин далилидир.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг 1958 йилги халқ хўжалик плани ва Давлат бюджетини муваффақиятли бажариш учун ўзларининг бутун куч-қувватларини сарфлашларига ва бу билан инсониятнинг нурли келажаги — коммунизм сари ишонч билан олга бораётган социалистик Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлашдан иборат улуғ ишга ўзларининг ҳиссаларини қўшишларига шубҳа йўқдир ва бўлиши мумкин эмас!

Шундан кейин сессия Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссияси раиси депутат **Т. Рўзибоев**нинг қўшимча докладини тинглайди. У айтадики, Бюджет комиссияси Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1958 йилги Давлат планини Госпланнинг, халқ хўжалиги кенгашларининг, министрликлар ва бошқармаларнинг раҳбарлари иштироки билан қараб чиқди ҳамда уни республика Министрлар Совети қабул қилган кўрсаткичлар билан тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритади. Бюджет комиссияси Ўзбекистон ССРнинг 1956 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш таклифини ҳам киритади.

Бюджет комиссияси республиканинг 1958 йилги Давлат бюджетини қараб чиқиб, бу бюджет халқ хўжалик планига мувофиқ тузилган бўлиб, Ўзбекистон саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданиятининг янада ривожлантирилишини зарур маблағлар билан таъминлайди, деб қайд қилди. Шу билан бирга бюджет комиссияси айрим моддалар бўйича бир қанча тузатишларни муҳокамага тақдим этади. Бу тузатишлар, жумладан, шаҳарларни обод қилиш ва социал-маданий тадбирлар учун ажратиладиган маблағларнинг кўпайтирилишини кўзда тутади.

Бюджет комиссияси Ўзбекистон ССР Давлат бюджетини юқоридаги тузатишларни ҳисобга олган ҳолда, даромадлар бўйича 8.608.052 минг сўм ва ҳаражатлар бўйича 8.589.376 минг сўм миқдорида тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритади.

Депутат Рўзибоев ҳунармандчилик кооперацияси ва савдо шохобчаларининг ишидаги камчиликлар муносабати билан Узпромсовет, Ўзбекбирлашув, Савдо министрлиги шаҳнига бир қанча танқидий мулоҳазаларни айтади. У қайд қилдики, бир қанча саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни қўшимча суратда кўпайтириш учун ички резервлардан тўла фойдаланилмаётир. Мавжуд машина-ускуналарни ишга тушириш соҳасида аҳвол айниқса ёмон. Ўз бошқарма манфаатларини ва маҳаллий манфаатларни кўзлаб иш кўришдек айрим фактлар ҳам юз бермоқда. Бундай ҳолларга қатъий хотима бериш керак.

Қўшимча докладчи Молия министрлиги контроль-ревизия ишларини яхшилаши, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари эса бюджетнинг бажарилиши учун ўз жавобгарликларини оширишлари зарур, деб кўрсатади.

Сессиянинг биринчи мажлиси шу билан ёпиқ деб эълон қилинади.

* * *

17 январь кечки мажлисда докладлар юзасидан музокоралар бошланди. (ЎзТАГ).

Округ сайлов комиссиялари составига кандидатлар кўрсатилмоқда

Ўзбекистон пойтахтида СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Округ сайлов комиссиялари составига кандидатлар кўрсатиш давом этмоқда.

«Ташсельмаш» заводининг касаба союз ташкилоти Тошкент-Ленин шаҳар сайлов округидан Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Округ сайлов комиссияси составига шу корхонанинг стерженчиси Муқаддас **Сайфуллаева**ни тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу комиссия составига Куйбишев район комсомол ташкилотидан Ўзбекистон ЛКСМ район комитетининг секретари Лилия Матвеевна **Яковец** кўрсатилди.

Шаҳар онкология диспансери медицина ходимлари коллективининг бўлғон йиғилишида Тошкент-Октябрь сайлов округидан Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Округ сайлов комиссияси составига шу даволаш муассасасининг врачи Александра Петровна **Филиппова** кандидатураси кўрсатилди. Ўзбекистон ССР социал таъминот министрлиги Коммунистик партия ташкилотидан шу комиссия составига министр Васила Содиқовна **Содиқова** тавсия қилинди.

Биринчи сон мебель фабрикаси касаба союз ташкилотининг қарори билан шу корхонанинг дуродгори Мели **Турсунов** Тошкент-Киров шаҳар сайлов округидан Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Округ сайлов комиссияси составига кандидат қилиб кўрсатилди. «Санъатпром» ҳунармандчилик артелининг правлениеси шу комиссия составига ўз кандидати қилиб артель раиси Азиза **Исматова**ни кўрсатди.

Экскаватор заводининг Коммунистик партия ташкилоти Тошкент-Ленин сайлов округидан Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Округ сайлов комиссияси составига заводнинг чертёжчиси Тамара Басировна **Латипова**ни тавсия этди. Биринчи сон тикувчилик фабрикаси ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари коллективидан шу комиссияга иккинчи тикиш цехининг мастери Озода **Деҳқонбоева** кандидатураси тавсия қилинди.

Меҳнаткашлар коллективлари ва жамоат ташкилотлари томонидан Округ сайлов комиссиялари составига кўрсатилган кандидатлар орасида Тошкент давлат медицина институти кафедрасининг мудири профессор Мария Сергеевна **Рожкова**, «Ташсельмаш» заводининг слесари Гулом **Зоиров**, Марказий телеграфнинг старший телеграфчиси Амалия Гавриловна **Сутягина**, Ўзбекистон ССР Давлат нашриётининг директори Файзулла **Юнусов**, карборунд заводининг электромонтери Валентин Иванович **Волкодав** бор. (ЎзТАГ).

ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК

ШУДГОР ҚИЛИШ, АРИҚ-ЗОВУРЛАРНИ ТОЗАЛАШ, ДАЛАГА МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТ ЧИҚАРИШ—ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАДИР

☆ ☆ ☆ ☆ ☆

40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдамиз

Бригадамиз ишчилари пахтачиликни ривожлантиришдан иборат умумхалқ мусобақасига қўшилиб, ҳосилни йилдан-йилга оширмоқдалар. Биз 1956 йилда 64 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 29,5 центнердан пахта топширган эдик. Бу муваффақият амалий иш билан мустаҳкамланди; 1957 йил ҳосилига олдиндан пухта замин ҳозирладик. Чигит барвақт квадрат-уялаб экилди ва ернинг ўз намига текис ундириб олинди. Ҳар гектар майдонда мажбуриятимизни ошириб бажарадиган миқдорда кўчат бўлишини таъминлай олдик, айниқса тўлиқ гектарига алоҳида эътибор бердик.

Ғўзанинг цикл парваришлари агротехника қоидаларига мувофиқ сифатли ўтказилди. Универсалчи ўртоқ С. Салиматов ғўзани узунаси ва кўндалангига сифатли парвариш қилиб берди. Ғўза беш марта чопилиб, қондириб суғорилди. Сув камчил бўлишига қарамай, чуқур культивация ўтказиб, ғўзанинг чанқашига йўл қўймадик. Б. Турдиев, Ш. Муротов ўртоқлар бошлиқ звено ишчилари бу соҳада айниқса намунали ишлар қилдилар.

Ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли пахта эрта очилди. Йиғим-терим ишлари ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди. Мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда шаҳарлик биродарларимиз, студентлар ва ўқувчилар яқиндан ёрдам бердилар. Бригадамиз ишчиларидан С. Муротова, Ш. Муротов, О. Турдиев, О. Маматқулов ўртоқлар мавсумда 10 тоннадан пахта териб, мажбуриятни ошириб адо этдилар.

Бригадамиз аъзолари ўтган йилнинг об-ҳаво қийинчиликларини фидокорона меҳнат билан енгдилар, 64 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,5 центнердан пахта топшириб, йиллик планни Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллиги арафасида бажардилар. Биз бир грамм ҳам пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўймадик. Шунинг учун ҳам пландан ташқари давлатга ҳар гектар ердан 5,7 центнердан пахта топширишга муваффақ бўлдик. Шундай қилиб, биз ўтган қишлоқ хўжалик йилини она-Ватанга гектаридан 33,2 центнердан пахта топшириш билан якунладик. 5-бўлим ишчилари ҳам пахта ҳосилини оширишда яхши натижаларга эришдилар. Бўлим 400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 26 центнердан пахта топшириб, олдинги ўринни эгаллади.

Биз 1958 йил мўл ҳосили учун пухта тайёргарлик кўраётирмиз. Бригадамиз ишчилари пахтакорларнинг Москвада бўладиган Бутуниттифоқ биринчи қурултойи шарафига гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар. Ерлар сифатли шудгор қилиб қўйилди. Ҳозир суғориш тармоқларини тозалашга киришдик. Минерал ўғитдан ташқари, маҳаллий ўғит тайёрлаш кучайтириб юборилди. Лойқа, уват тупроқлари ва бошқа ўғитлардан тўла фойдаланиб, ернинг ҳосилдорлигини оширамиз, мўл ҳосил етиштириб, ватаримизни шараф билан бажарамиз.

И. ТУРДИЕВ,
Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози 5-бўлимининг бригада бошлиғи.

Отамурод ака бригадасининг муваффақияти

— Ўтган йили 81 гектар еримизнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга эришдик. Ишчи ва механизаторларимиз бу муваффақиятга кузги ва қишки дала ишларини ўз вақтида сифатли амалга оширганликлари туфайли эришдилар.

Отамурод ака бригадаси ана шу тажриба асосида бу йил ҳам кўклам экиш кампаниясига ҳартарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқда. Механизаторларнинг кеча-кундуз астойдил меҳнат қилганликлари туфайли маҳаллий ва минерал ўғитлар сепилган барча пахта майдонлари қисқа муддат ичида сифатли шудгор қилиб қўйилди. Отамурод ака бригадаси аъзолари ўз ҳамкорлари ўртоқ Гриша Кобзов бошлиқ трактор бригадаси аъзоларидан бениҳоя миннатдорлар.

— Шудгор қилинган ерларимиз қор остида намга тўйиб семиради, бу ўз навбатида чигит экишни белгиланган муддатларда ўтказишимизга имконият туғдиради, — дейди Отамурод ака Тўраев.

Ҳозир бригада аъзолари ариқ-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш каби муҳим тадбирларни амалга ошираётирлар. Мавжуд асбоб-ускуналарни кўкламга тахт қилиб қўйиш учун ҳаракат қилаётирлар.

Ю. ЮСУПОВ,
3-«Боёвут» совхози.

Ғўзани ерости сувлари билан суғориш учун

Техника фанлари кандидати В. А. Баранов ва пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг бир группа ходимлари ғўзани ерости сувлари билан суғориш учун оригинал пропеллер насосни яратдилар. Бу насоснинг иш унуми республикада кенг тарқалган «Андижанец» маркали марказдан қочирмали насосдан уч ҳисса юқори бўлиб, электр энергияни эски конструкциядаги двигатель қанча сарфласа, худди ўшанча сарфлайди.

Янги механизмнинг тажриба учун чиқарилган нусхаси ўтган йил Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ғўзани суғоришда муваффақиятли синовдан ўтди. Сунъий ҳовузга тўпланган ерости суви далага ҳар соатда 300 кубометр миқдорида чиқарилиб турилди. Бу сув ёз даврида битта насос билан 120 гектар ердаги экинни суғориб туриш учун етарликдир.

Ўртоқ Баранов ишлаб турган Ўрта Осиё Ирригация илмий-текшириш институтининг ходимлари янги насос установкасидан ерости сувлари юқори турган районларда ғўзани суғоришда кенг фойдаланишни тавсия этдилар.

Тошкент саноатига янги типдаги насосни кўплаб ишлаб чиқариш учун заказлар берилди. Ўзбекистонда шу йилнинг ўзида қўшимча равишда 30 минг гектар майдондаги ғўза машиналар ёрдамида ерости суви билан суғоришга кўчирилади. (ЎзТАГ).

Кўкламга тайёргарлик соҳасидаги камчиликларни тезда тугатайлик

Шу йилнинг февраль ойида Москвада пахтакорларнинг Бутуниттифоқ биринчи съезди очилади. Бир қатор колхоз ва совхозлар съездни муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашиб, мўл ҳосил учун мустаҳкам замин яратмоқдалар.

Мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим агротехника тадбирларидан бири ерни ўз вақтида шудгорлаб қўйишдир. Оржоникидзе, Қорасув, Ўртасарой районларининг колхозлари ва бошқа районларнинг кўпгина илғор колхозлари бу соҳадаги ишни муваффақиятли тугалладилар. Умуман олганда областимиз бўйича 15 январга қадар мавжуд экин майдонларининг 70 процента шудгор қилинди.

Бироқ, ер ҳайдаш ишлари суръатини кучайтириш учун барча имкониятлар бор бўлишига қарамасдан кўпгина МТСлар топширириқни суст бажармоқдалар. Масалан, Пахта МТСи зонасидаги колхозларда 7300 гектар ер, шу жумладан чигит экиш учун ажратилган 7000 гектар ер, Верхне-волинск МТСи зонасидаги колхозларда эса 4300 гектар, 1-Янгийўл МТСи зонасидаги колхозларда 4000 гектарга яқин, 2-Сирдарё МТСи зонасидаги колхозларда эса 4500 гектар ер ҳайдалмаган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган МТСларнинг раҳбарлари Коломейцев, Холбоев, Мешков, Житенев ўртоқлар ўзларининг бу соҳада йўл қўяётган камчиликларига сабаб қилиб, ҳар хил баҳоналарни рўкач қиладилар. Лекин, асосий камчиликларнинг сабаби шундаки, бу МТСлардаги тракторларнинг 25 процента яқини ҳар хил техник сабабларга кўра ишлатилмаган. Тракторчиларнинг кеча ва кундузи унумли ишлаши учун зарур шароитлар яратиб берилмаган. Октябрь, Сирдарё, Верхне-волинск район партия комитетлари МТС ва колхозларнинг иши устидан чинакам контроллик ўрнатиш ўрнига тоакторларнинг бекор туриб қолиш ҳолларига бефарқ қарамоқдалар, мавжуд агрегатларнинг унумли ишлашига эришиш учун курашмаётирлар.

Бутун қишлоқ хўжалик машиналарини ўз вақтида ва юқори сифатли ремонт қилиб кўкламга тахт қилиб қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир. Техника кўкламга тахт қилиб қўйилса чигит экишни қисқа муддатларда ўтказиш учун шароит ҳозирлаб қўйилган бўлади.

Буни жуда яхши тушунган 2-Янгийўл МТСи коллективи (директори ўртоқ Акрамов) ишни пухта ташкил этиб, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини муваффақиятли тугаллади. Ҳозир бу МТСда ремонт қилинган машиналар иккинчи марта текширишдан ўтказилаётир, камчиликлари бўлса шу ернинг ўзидаёқ тугатилмоқда. Биринчи Ўртасарой МТСи коллективи (директори ўртоқ Ёдгоров) ҳам қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини уюшқоқлик билан ўтказиб, бошқа МТСларга намуна бўлди. Бироқ умуман олганда областимизда трактор парклларини кўкламга тахт қилиб қўйиш иши гоят қониқарсиз олиб борилаётир.

Ремонт қилиниши лозим бўлган 3534 ҳайдов тракторидан ҳаммаси бўлиб 1637 таси, яъни 46 процента чигит экишга тахт қилиб қўйилган. Шунингдек, 1918 сеялкадан фақат 883 таси ремонт қилинган. Культиваторлардан эса 34 процента ремонтдан чиқарилган, ҳолос. Чиноз, 1-Бўка, 2-Бекобод, 3-Қуйи Чирчиқ ва Боёвут МТСларида ҳам трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг ремонти қониқарсиз олиб борилмоқда.

Область совхозларида эса, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш иши, айниқса, ёмон аҳволда. Совхозлар трестининг раҳбарлари Ибрагимов, Мирдодаев ўртоқлар техникани ремонт қилиш ишларини тезлаштириш учун зарур чораларни кўрмаётирлар. Бу соҳада «Чаноқ» совхозининг раҳбарлари (директори ўртоқ Сатторов) ҳамда 3-Боёвут совхозининг раҳбарлари (директори ўртоқ Ҳамидов) айниқса, масъулиятсизликка йўл қўймоқдалар. Бу совхозларда ҳозирга қадар биронта ҳам сеялка ремонтдан чиқарилмаган.

МТС, совхоз директорларининг иштироки билан яқинда бўлиб ўтган область партия комитетининг бюро мажлисида трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонти соҳасидаги қолоқликни тугатиш ва зарур, конкрет чоралар кўриш масаласи муҳокама қилинди. Бу тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши тракторлар ремонтини тезлаштиришга, шунингдек, барча техникани 15 февралга қадар кўклам экиш кампаниясига тайёр қилиб қўйишга ёрдам беради.

Бу ишнинг тезроқ амалга оширилишда Тошкент, Бекобод, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларининг партия ташкилотлари МТСларга самарали ёрдам беришлари керак.

Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ирригация тармоқларини ўз вақтида тартибга солиш мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шартларидан биридир. Ҳозирги кунларда бу иш билан областнинг колхозчи ва совхоз ишчиларидан 50 мингдан ортиқ киши банд бўлиши лозим, амалда эса, ирригация тармоқларини тозалаш ишларида 20 мингга яқин киши қатнашмоқда. Оққўрғон, Пискент, Ўрта Чирчиқ районлари бу соҳадаги ишларни бирмунча уюшқоқлик билан ташкил этиб, катта магистрал каналларни, ариқларни тозалашни тамомладилар. Лекин, Сирдарё, Верхне-волинск, Гулистон ва бошқа кўпгина районларда коллектор, зовурларни тозалаш ишлари гоят қониқарсиз ўтказилаётир.

Ерларнинг шўрини ювмасдан туриб, бу ерларда мўл ҳосил етиштириш мумкин эмаслиги ҳаммамизга маълум. Лекин, Боёвут, Сирдарё, Гулистон районларининг раҳбарлари нима учундир ерларнинг шўрини ювишда колхоз ва совхоз раҳбарларига ғамхўрлик қилмаётирлар.

Мирзачўл воҳасидаги районларнинг колхоз ва совхозлари раҳбарлари, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ерларнинг шўрини ювиш соҳасидаги ишлар суръатини кучайтириб, пахтакорларнинг Москвада бўладиган Бутуниттифоқ биринчи қурултойи кунигача кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш соҳасидаги ишларнинг муваффақиятли тугалланишига эришишлари керак.

У С Т А

Аббос Абдусаматов 15 йилдан бери Октябрь районидаги Калинин номли колхозда темирчи бўлиб ишлайди. Шу кунларда унинг устахонаси жуда гавжум. Болгаларнинг тақир-туқури бир зум тинмайди. Барча қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини кўкламга тахт қилиб қўйиш учун Аббос ака жадал суръат билан ишламоқда. У ҳозиргача 14 арава, 8 та автокачка, 40 та зигзаг борона, 25 та от культиватори, 15 окучник ва 5 та сеялкани сифатли ремонтдан чиқариб, кўкламга тахт қилиб қўйди.

Аббос ака ўз ишининг устаси бўлганлиги учун колхоз шоферлари ҳам унга тез-тез мурожаат қилиб туришади.

— Ҳар кимнинг ҳам ўз мавсуми бўлади, — дейди Аббос ака, — шу кунларда бизнинг мавсумимиз айни авжида. Кўкламгача барча қишлоқ хўжалик асбобларини тўлиқ ремонт қилиб қўйишимиз керак.

Аббос ака бундан ташқари отларга тақа қоқиш, колхозчиларнинг кетмонларини қайта созлаш каби ишларни ҳам сидқидиллик билан бажармоқда. Колхоз аъзолари «Устамизнинг қўли гул» деб ундан гоят миннатдорлар.

А. ЖАЛОЛОВ.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг аъзолари кўклам экиш кампаниясига ҳартомонлама пухта тайёргарлик кўраётирлар. Бу ерда шудгорлаш иши айниқса уюшқоқлик билан ўтказилаётир. Ҳозиргача 1700 гектар экин майдонидан 1400 гектари сифатли шудгор қилиб қўйилди. Шунингдек, колхозда давлат томонидан берилган минерал ўғитларни ташиб келтириш, маҳаллий ўғит тўплаш ишлари ҳам уюшқоқлик билан ўтказилаётир. **Суратларда:** 1. Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари **И. Мирсолихов** ва экспедитор **А. Ризқулов** ўртоқлар колхоз саройидаги минерал ўғитларни кўздан кечирмоқдалар. 2. Колхознинг 10-бригадаси ерлари шудгор қилинаётир.



В. Салов фотолари.

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

Қувончли якунлар

Мамлакатимиз аҳолисини гўшт, сут, ёғ маҳсулотлари билан мўлкўл таъминлайлик! Аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олайлик! Коммунистик партия ва Ҳукуматимиз томонидан ўртага ташланган бу шиор Иттифоқимиздаги барча колхозчилар, чорвадорларни руҳлантириб юборгани сингари бизнинг область чорвадорларини ҳам меҳнатда янгидан-янги ғалабаларга ундаси. Бу чақириқда амалий иш билан жавоб бериш учун астойдил киришган илғор хўжаликлар чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш соҳасида қувончли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Ишни пухта ташкил этган, фермаларни ишнинг кўзини биладиган раҳбарлар билан мустаҳкамлаган, чорва моллари туёғини кўпайтириб, наслини яхшилаган ҳамда уларни зоотехника қоидалари асосида парвариш қилган колхоз ва совхозларда ўтган қисқа давр ичида анчагина ишлар қилинди.

Қорасув районидаги Свердлов номли колхоз аъзоларининг ўтган қишлоқ хўжалик йилида ҳар юз гектар ер ҳисобига 103 центнердан гўшт, 347 центнердан сут маҳсулоти етиштирганликлари тўғрисидаги хабар райондагиларнигина эмас, балки областдаги чорвадорларимизни ҳам хурсанд қилиб юборди. Шу райондаги «Коминтерн» колхозининг чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш йўлидаги ишлари ҳам ибрат бўларлидир.

Бу колхоз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш тўғрисидаги чақириғига жавобан ўтган йили экишга яроқли ҳар юз гектар ер ҳисобига 100 центнердан гўшт ва 400 центнердан сут етиштириш юзасидан социалистик мажбурият олган эдилар. Колхоз аъзолари, социалистик мажбурият олдингми — уни бажар деган принципга амал қилиб, чорва моллариии парвариш қилиш ишини қатъий план асосида олиб бордилар. Маҳсулдорликни оширишнинг асосий воситаларидан бири бўлган— ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Ҳар бош сигирга 14 тоннадан силос бостириб, кўплаб ем-хашак жамғарилди.

Бу ерда фермадаги асосий ишлар механизация воситаси билан бажарилади. Оддий колхозчилар ҳам, сут-товар фермасида ишловчи сут соғувчилар, молбоқарлар, чўчқабоқар ва товуқбоқарларга топширириқни муваффақиятли бажаришлари учун ёрдам бердилар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти қиш даврида ҳам соғин сигирлардан олинадиган сут маҳсулотини камайтирмаслик тадбирларини тинмай амалга ошириб келмоқда. Моллар зоотехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда парвариш қилинади, сут соғувчилар уларнинг озиғидан, сувидан вақтида хабар олиб турадилар. Шу каби тадбирларни амалга ошириб, илғорлар тажрибасини қўлланган колхоз чорвадорлари ўз сўзларининг устасидан чиқиб мажбуриятни шараф билан бажардилар. 1958 йилнинг 1 январига қадар ҳар юз гектар ер ҳисобига 100 центнердан гўшт, шу жумладан 22 центнердан чўчқа гўшти етиштирилди. Бу ўтган қишлоқ хўжалик йилида давлатга 1956 йилдагига қараганда 1,3 марта кўп гўшт топширилди ва харид қилинди демакдир.

Соғин сигирлардан олинадиган сут маҳсулоти ҳам кескин кўпайди. Ҳар 100 гектар ер ҳисобига 1956 йилга нисбатан 2,1 марта кўп, яъни 400 центнердан сут етиштирилди. Ҳар бош соғин сигирдан ўртача 2993 килограммдан сут соғиб олинди. Шундай қилиб колхоз давлатга 1956 йилдагига қараганда 2,1 марта кўп сут топширди ва планни муддатидан илгари муваффақиятли бажарди.

Колхозда молларнинг туёғини сақлаб қолиш юзасидан белгиланган план ҳам муваффақиятли адо этилди, соғин сигирларнинг қисир қолишига йўл қўйилмади. Ўтган қишлоқ хўжалик йилининг якунлари, чорвачилик соҳасида эришилган бу ютуқлар колхоз аъзоларини янги муваффақиятларга руҳлантирмоқда.

— Чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва унинг таннархини камайтириш соҳасида бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш мумкин, — дейди колхоз раиси ўртоқ Зиёмуҳамедов, — биз бундан буён ҳам партия ва ҳукуматимизнинг чорва моллари маҳсулдорлигини кескин кўпайтириш тўғрисидаги вазифасини бажариш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун тинмай ҳаракат қиламиз. 1958 йилда экишга яроқли ҳар юз гектар ер ҳисобига 450 центнер сут, 110 центнердан гўшт, шу жумладан 35 центнердан чўчқа гўшти, галлакор ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига эса 20 центнердан товуқ гўшти етиштирамиз.

Колхоз аъзоларининг сўзи билан иши бир. Илғорлар бу янги мажбуриятларини ҳам шараф билан бажарадилар. Колхоз сут-товар фермаси ва товуқчилик фермасида ишлаётган фидокор кишиларнинг шу кеча-кундузлари меҳнати, уларнинг бу йил ҳам янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиши учун астойдил курашаётганликларини кўрсатади.

Н. РИХСИЕВ.

Чорва фермаларидан хабарлар

«ХОВОС». Совхознинг 3- бўлимида чўчқачиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ўртоқ Маслов бошқараётган фермада ҳозир чўчқаларнинг сони 234 бошга етди. 10 она чўчқадан 135 та чўчқа боласи олинди.

Чўчқабоқарлардан Т. В. Соломина ва А. Магдиев ўртоқлар ўзларига биркитилган чўчқаларни силос, лавлаги ва бошқа тўйишли ем-хашаклар билан тўйдириб боқмоқдалар.

Ш. Назмиддинов

* * *

ПАРКЕНТ. Райондаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари ўтган йили барча чорва маҳсулотлари бўйича давлат планини ошириб бажардилар. Чорвадорлар, айниқса, сигирлардан сут соғиб олишда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бунда Олия Исломова, Салом Ирисова каби сут соғувчиларнинг ҳиссаси мақтовга лойиқдир. О. Исломова ўзига биркитилган ҳар бир сигирдан планда белгиланган 1560 литр ўрнига 2100 литрдан, жамъи 24898 литр сут соғиб олиб, биринчи ўринни эгаллади.

Сут соғувчиларнинг сидқидиллик билан қилган меҳнати туфайли колхоз давлатга 113.300 литр ўрнига 120.441 литр сут топшириб, йиллик планни ошириб бажарди.

И. Жумабоев.

* * *

МИРЗАЧЎЛ. Райондаги «Коммуна» колхози чорвадорлари аҳоли жон бошига чорва маҳсулотлари етиштиришда яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ҳақидаги партиямизнинг жанговар чақириғидан руҳланиб, гоят кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

Колхоздаги мавжуд 90 бош сигирнинг 75 таси яхши сут бераётир, қолганларидан ҳам яқин ойлар ичида бузоқ олинади. Сут соғувчилардан Ойимқиз Сувонова, Катерина Осипова каби ўртоқлар сигирлардан кўплаб сут соғиб олишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Колхоз чорвадорлари сигирларнинг қиш фаслида ҳам кўплаб сут беришини таъминлаш учун барча мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланмоқдалар.

Н. Анваров.

Чорва қишловига эътибор кучайтирилсин

1-«Оҳангарон» совхози асосан чорвачилик билан шуғулланади. Совхознинг 4-бўлимида чорва моллари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аммо, шу кунларда бўлимга келиб чорва молларининг қишлови қандай ўтаётганлигини кўрган киши гоят таажжубланади. Молхона ва қўйхоналар сифатсиз ремонт қилинган, молларга нормадаги ем-хашак берилмаётир.

Фикримизнинг исботи учун мисоллар келтирамиз: Чилмайрон сойидаги совлиқ қўйларга мўлжалланган қўйхона совхоз прораби Гремоннинг айби билан гоят сифатсиз қурилган. Томидан чакка ўтиб кетаётганлиги сабабли қўйхона ичи тизза бўйи лой, қўйлар тагига ёғоч қипиғи сепилмайди, охирлар қурилмаган, ем-хашак оёқ остида қолиб нобуд бўлаётир. Янги қўзилаган қўйларга ҳар куни ҳашакдан ташқари 0,5 килограмм кунжара берилиши керак. Бўлим зоотехниги Ҳ. Исмоиловнинг эътироф қилишича қўйларга ҳар куни 0,2 килограммдан кунжара берилмоқда, холос.

Қорамолчилик фермасида ҳам аҳвол шундай. Қўлда боқилаётган 148 бош сигирнинг ҳосилини пол қилиш планлаштирилган эди. Бироқ ферма бригадири А. Карецкийнинг айби билан бу иш бажарилмади. Натижада 71 бош сигир зах ҳонада боқилмоқда. 148 бош сигирдан эндигина 5 та бузоқ олинди. Аммо ёш бузоқлар учун ҳам иссиқ бино йўқ.

Бўлим бошқарувчиси ўртоқ Н. Шамсутдинов мавжуд камчиликларни бартараф қилишга киришмаётир.

Умуман бўлимда чорва қишловининг аҳволи талабга жавоб бермайди. Совхоз маъмурияти бўлимнинг иши билан қизиқиши, айбдорларга чора кўриши, чорва молларининг қишдан семиз ва бақувват чиқишини таъминлаш учун барча тадбирларни кўриши керак.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

Ишлаб чиқаришдан ўқишга

Олий ўқув юртларига ишлаб чиқаришда камида 1-2 йил ишлаган, тажриба орттирган ўқувчиларни кўпроқ қабул қилиш тадбири ёшларнинг касб танлашга бўлган қизиқишини орттирмоқда ҳамда уларнинг касб эгаллашлари учун қулайлик туғдирмоқда. 10-синфни тугатган ўқувчи ишлаб чиқаришга боради, у ерда ишлаб, бир-икки мутахассисликни ўрганади. Олий ўқув юртига анча тажриба билан ўқишга келади.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти 1957/58 ўқув йилида ишлаб чиқаришдан келган 104 ёшни институтга қабул қилган эди. Улардан 60 проценти қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетида ўқимоқда. Институт маъмурияти ишлаб чиқаришдан келиб ўқиётган студентлар учун яхши шароит яратиб берди. Улар учун консультациялар уюштирилган.

Шу кунларда бу студентлар ҳамма студентлар билан бир қаторда қишки сессияни муваффақиятли тамомлаш учун зўр ғайрат билан тайёргарлик кўрмоқдалар.

— 10-синфни тамомлаганимда қайси касбни эгаллашни аниқлай олмаганим учун олдин ишлаб, мени қизиқтирган касбни танлаб олишга қарор қилдим, — дейди гидромелиорация факультетининг 1 курс студенти З. Алимов, — шунинг учун ўрта маълумот олгач, райводхозга ишга кирдим. Бу ерда техник бўлиб, сўнг инструктор бўлиб ишладим. Мени бу соҳа жуда қизиқтиради. Шунинг учун гидромелиорация факультетида ўқишга қарор қилдим. Иш соҳасида орттирган тажрибаларим ўқишда катта ёрдам бермоқда.

Ишлаб чиқаришдан олий ўқув юртларига келувчилар кўп қулайликларга эга бўлмоқдалар.

З. АХТЯМОВА.

Толанинг пишганлигини аниқлашнинг янги усули

Тошкент тўқимачилик комбинатининг химиклари Совет Иттифоқида биринчи бўлиб «Гольтвейн методи» деб аталган, пахта толасининг пишганлигини аниқлайдиган прогрессив усулни ўзлаштирдилар. 1957 йилда бу ерга келган Германия Демократик Республикаси тўқувчиларининг делегатлари ўзларининг ўзбек касбдош ўртоқларини бу усул билан таништирган эдилар.

Толанинг пишганлигини бўёш йўли билан аниқланади. Бунда махсус аралашмага ботирилган пишган тола қизил ранг, хом тола яшил ранг ҳосил қилади. Гольтвейн методи толани одатдагича микроскоп остида текшириш усулига қараганда анча аниқ ва равшан бўлиб, унинг муҳим афзаллиги шундан иборатки, қисқа муддат ичида кўп миқдор пахтани анализ қилиш мумкин бўлади.

(ЎзТАГ).

Бир авиабўлинманинг уч миллиончилари

Граждан ҳаво флоти Ўрта Осиё бошқармасининг учувчиси А. С. Калошин 3 миллион километр масофа босди. Бу масофа ер шарини етмиш беш марта айланиб чиқиш билан баравар. Ўртоқ Калошин 3 миллион ҳисобига кирадиган кейинги ўн мингдаб километр йўлни «ТУ-104» ҳаво кемаси штурвали ёнида ўтказди. Хизмат кўрсатган бу учувчи ҳозир авиабўлинмага командирлик қилаётир.

Бу бўлинмада ўртоқ Калошиндан ташқари яна учувчи, штурман, бортмеханик ва бортрадистлар ҳам 1958 йилнинг бўсағасида учинчи миллион километр масофа босишни тамомладилар.

Тошкент аэропортида авиация ветеранларини хурматлашга бағишланган маросим бўлди. Қўмондонлик, жамоатчилик вакиллари, касбдош ўртоқлари уч миллиончиларни самимий табрикладилар. (ЎзТАГ).

Ўқувчилар экскурсияси

Верхне-волинск районидаги 7-мактаб ўқитувчилари ўқувчиларнинг мактабда олган назарий билимларини тажрибада мустаҳкамлаш қоидаларига қаттиқ эътибор қиладилар. Яқинда геология ўқитувчиси Ўртоқ Қолбоев ўз ўқувчиларини МТСга, колхоз участкаларига экскурсияга олиб бориб, қишлоқ хўжалиги машиналари ва минерал ўғитларнинг тайёрланиши билан таништирди. Физика ўқитувчисининг раҳбарлигида ўқувчилар колхоз электростанцияси билан танишдилар. Бу экскурсиялар ўқувчиларнинг фан ва техникага бўлган қизиқишини ўстирмоқда. Экскурсия ўқувчилар ҳотирида яхши таассуротлар қолдирди.

У. АБИЛОВ.

Қорасув районидаги Свердлов номли колхоз аъзолари чорва фермалари атрофини кўкаламзорлаштириш мақсадида кўп йиллик дарахт кўчатлари ўтказишни планлаштирган эдилар. Ҳозир мана шу вазифа амалга оширилмоқда. **Суратда:** чорва фермалари атрофига кўп йиллик дарахт кўчатлари ўтказилмоқда.

В. Салов фотоси.

Техника хавфсизлигига эътибор берилсин

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларнинг муваффақиятли бўлиши унда машина-трактор станциялари ва совхозларнинг коллективлари қай даражада иштирок этаётганига боғлиқдир. Бу соҳада кўпгина МТС ва совхозлар катта ишлар қилмоқдалар. Тошкент областидаги «Назарбек» совхозининг коллективи техника хавфсизлиги ҳақида доим ғамхўрлик қилади. Совхоз коллективи ифлосликка қарши кескин кураш олиб боради. Шу сабабдан ҳам станция территорияси ҳамма вақт тоза.

Совхознинг ҳовлиси яхшилаб текисланган, пиёда юрувчилар учун махсус йўл қилинган, металл чиқиндиларига алоҳида жой ажратиб қўйилган. Ремонт мастерскойларида ҳам тартиб ўрнатилган: поллар текис, тахталар зич қоқилган, тракторларни кўздан кечириш, қисмларга ажратиш ва йиғиш жойида кўтариш ишлари йўлга қўйилган. Барча цехларда ҳар бир станок ёнида ишчининг кўз олдида хавфсизлик техникасига бағишланган плакатлар осиғлик туради.

Техника хавфсизлиги бўйича амал қилинаётган қоидада бош инженер, мастерской мудири, трактор бригадасининг бошлиғи техника хавфсизлиги бўйича инструктажни ўтмаган кишиларни ишга олинмасликлари қатъий қилиб қўйилган. Совхозда бу қоидага тўла амал қилинади. Раҳбар ходимлар ҳар бир ишчи ва хизматчининг техника хавфсизлиги қоидалари билан таниш бўлиши устидан назорат қилиб турадилар. Техника хавфсизлиги соҳасида катта ишлар қилаётган МТС ва совхозлар областда оз эмас.

Бироқ шуни алоҳида уқтириб ўтиш керакки, областнинг баъзи бир МТС ва совхозларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қониқарсиз аҳволда қолиб келмоқда, айрим ҳолларда эса техника хавфсизлиги масалаларига мутлақо эътибор берилмайди. Бунга мисол қилиб 1-Мирзачўл МТСини (директори Сетюшев, бош инженери Черников ўртоқлар) кўрсатиш мумкин. Бу МТСда меҳнатни муҳофаза қилиш иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган, техника хавфсизлиги қоидаларига асло риоя қилинмайди, ишлаб чиқариш ҳоналари санитария қоидаларига жавоб бермайди.

Мастерскойларда қайнаган сув солинган баклар, ювиниш учун сув, аптечкалар йўқ. Электр хўжалиги эса жуда ёмон аҳволда. МТС мастерскойларида ва бошқа ишлаб чиқариш ҳоналарида техника хавфсизлигига бағишланган плакатлар, табличкаларни кўрмайсиз. Вақоланки бундай плакат ва табличкалар МТСда оз эмас, уларнинг ҳаммаси бош инженернинг иш хонасида кўпдан бери чанг босиб ётибди.

МТС маъмурияти ишчиларни махсус кийимлар, айниқса брезент костюмлар, қўлқоп, резина этиклар, кўзойнак ва бошқалар билан таъминлашга масъулиятсизлик билан қарайди. Бу МТСда шундай воқеалар ҳам бўлиб турадики, кўпинча тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари сигнал ва тормоз установкалари бўлмаган ҳолда ишга чиқарилиб юборилади. 2-Мирзачўл МТСи, 2-Сирдарё МТСида, 4-Вревский, «Дружба» совхозларида ҳам техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари шу кунинг талабига асло жавоб бермайди.

4-«Вревский» наслчилик совхозининг раҳбарлари — директори Ставной ва бош инженери Хаимов ўртоқлар меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Бу ерда шу мақсад учун ажратилган маблағлардан фойдаланилмайди, ишлаб чиқариш ҳоналари ифлос сақланади, ишчилар махсус кийимлар билан таъминланмаган, техникани сақлаш учун махсус жой бўлмагани сабабли тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини МТС территориясида ҳар жойда чанг босиб ётибди.

Жойларда бундай камчиликларнинг содир бўлишига область қишлоқ хўжалик бошқармаси, область совхозлар трести айблидир. Улар МТС ва совхозларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги соҳасида Бутуниттифоқ ва республика кенгашлари қарорларининг бажарилиши устидан контроллик қилиб турмайдилар. Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ходимлари касаба союзи область комитети эса МТС ва совхозлар устидан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида кучсиз назорат ўрнатган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги масалалари давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишдир, унинг ишлаб чиқариш топшириқларини бажарилишида тутган ўрни каттадир. Шунга кўра бу соҳадаги камчиликларни тезда бартараф этиш, ишни шу кунинг юксак талаблари даражасида ташкил этиш муҳим вазифадир.

М. РЕЦЕПТЕР,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг старший инженери.

Колхоз қишлоғида модалар ательеси

Ўртасарой районидаги «Полярная Звезда» колхоз қишлоғининг марказида «Модалар ательеси» деб ёзилган чиройлик вивеска осилган бинокад кўтариб турибди. Бу ерда ҳамма вақт одам кўп бўлади. Мана, бугун ҳам ўнлаб колхозчилар келдилар. Улардан бир хиллари модалар журналини кўраётган бўлсалар, бошқалари ўзларининг буюртмаларини олмоқдалар. Пахтакор Холмирза Абдуқодировни ҳам ўз танишлари ўртасида кўрдик. У ҳозирнинг ўзидаёқ янги шерсть костюмни кийиб олиб жуда хурсанд.

Пахтакор Мамажон Каримов, колхоз бухгалтериясининг ходими Пак Вон Го ва бошқа колхозчилар ҳам тиктирган янги кийимларини олаётирлар.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва раҳбарлик қилаётган бу колхоз правлениеси модалар ательесига еттита тикиш машинаси, ойна ва бошқа асбоблар сотиб олиш учун 30 минг сўм пул ажратди. Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ, кийим тикиш учун ҳисобкитоблар меҳнат кунлари ҳисобига қилинади. Ҳар бир тур иш учун қатъий баҳолар қўйилган бўлиб, колхоз бухгалтерияси ана шуларга мувофиқ модалар ательесига маълум миқдорда пул ўтказади ва кейинчалик уни заказчилардан ушлаб қолади. Кийим тикувчилар колхоз аъзоси бўлганлиги учун улар ишлаган ишларига қараб меҳнат кунлари оладилар.

Колхоз модалар ательеси мутахассислари Тошкентдаги модалар уйи билан мустаҳкам алоқада бўлиб турадилар.

Ҳозир Тошкент областидаги 36 колхозда модалар ательеси ишлаб турибди. (ЎзТАГ).

Студентларга қулайлик

Студентларга савдо хизматини янада яхшилаш мақсадида Тошкёнтдаги ҳамма олий ўқув юртлари ва техникум студентларини саноат моллари билан таъминлаш тадбирлари амалга оширилди. Ташунивермагнинг махсус сотувчилари турли газмоллар, тайёр кийимлар, пойафзаллар келтириб ўқув юртлари биносида савдо қилмоқдалар.

Бу тадбир амалга оширилган ҳафтанинг ўзида Ўрта Осиё Давлат университети студентлари 100 дан ортик пальто, 300га яқин костюм, шерсть, ипакли, штапель газмоллар ва 200 жуфтдан кўпроқ совет, хитой, чехословак пойафзаллари сотиб олдилар.

Пойтахтнинг ҳамма институт ва техникумларида бу тадбир кенг қўлланилаётир.

Студентлар ўзлари учун яратилган бу қулайликдан жуда мамнун бўлмоқдалар.

Ф. УСМОНОВА.

Чет Элларда

Телеграф хабар қилади

◆ Теҳрондаги энг яхши кинотеатрлардан бирида уч ҳафта давомида Озарбайжоннинг «Униси бўлмаса, буниси» деган кинофильми катта муваффақият билан кўрсатилди. Бу фильмни Боку киностудияси ишлаб чиқарган. Айни бир вақтда бу фильм Исфаҳон ва Ободон кинотеатрларида ҳам кўрсатилди. Совет кинофильмини кўрсатиш катта муваффақият билан ўтди. Теҳрон матбуоти фильмнинг бадиий хусусиятларига юксак баҳо бермоқда.

◆ Юнайтед Пресс агентлиги хабар қилади: Америка ҳукумати АҚШда ишсизликнинг ўсиши тўғрисидаги расмий маълумотларни эълон қилди. Бу маълумотлардан шу нарса кўринмоқда, ишсизларнинг сони ўтган йил декабрь ойида 3374 минг кишини ташкил қилган.

◆ Америка Қўшма Штатлари ҳарбий денгиз флотининг Патуксентдаги синаш авиабазаси районида денгиз авиациясининг «Суперуконстелэйшн» типидаги тўртмоторли самолёти пачақланган. Тўққиз кишидан иборат экипаж ҳалок бўлган.

◆ Ғарбий Берлиндаги Тиргартен районида намойиш бўлди. Бу намойишда бир неча юзлаб йигит ва қизлар — эркин немис ёшлари союзининг аъзолари қатнашди. Намойишчилар Ғарбий Берлин кўчаларидан ўтиб аҳолини қуролланиш сиёсатига ва нархларнинг ошишига қарши норозилик билдиришга чақирувчи плакатларни кўтариб бордилар.

15 январь. (ТАСС).

Капиталистик мамлакатларда меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ёмонлашмоқда

Капиталистик мамлакатларда меҳнаткашларнинг турмуш даражаси кун сайин тобора ёмонлашмоқда, ишсизларнинг сони ўсаётганлиги кўринмоқда.

Англияда ишсизликнинг ўсиши давом этмоқда. «Ричард Томас энд Болдуин лтд» деган металлургия компанияси шу кунларда қуйидагиларни билдирди: Ғарбий Уэльсдаги завод заказларнинг йўқлиги натижасида яқинда ёпилажаги муносабати билан 900 киши ишдан бўшатиб юборилади. 13 январда шу нарса ҳам эълон қилиндики, «маблағларни тежаш планида» шу яқин олти ой ичида қурилиш ишлари министрлигининг 800 ходими қисқартирилади.

Канада меҳнат министри Старр шу яқинда умум палатасида айтдики, ишчи кучларини ёлловчи миллий бошқармадан ўзларига иш берилишини талаб қилувчиларнинг сони ўтган йил ноябрь ойининг ўрталаридан декабрь ойининг охиригача қарийб икки баравар кўпайган. 1957 йил 26 декабргача мамлакатда ишсизларнинг сони 698.153 кишига етди, ноябрь ойининг ўрталарида эса ишсизларнинг сони 352.144 киши эди.

Капиталистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари ўз ҳуқуқлари учун кескин кураш олиб бормоқдалар. Англияда Сметика (Бирмингем)даги «Бритиш Сайкл корпорейшн» велосипед заводи ишчиларидан бир минг кишининг забастовкаси бир ҳафтадан кўпроқ вақтдан буён давом этмоқда. Бу забастовка корхона эгалари завод ишчиларидан 80 кишини ишдан бўшатиш ниятида бўлганлигига қарши норозилик юзасидан эълон қилинди. Компания билан касаба союзларининг вакиллари ўртасида шу кунларда бўлиб ўтган музокаралар вақтида корхона эгалари ишташлаганларнинг талабларини қондиришдан бош тортдилар. Транспорт ва малакасиз ишчилар касаба союзининг вакили Жек Рожерс айтдики, корхона эгалари билан касаба союзлари ўртасидаги музокаралар ижобий натижа бермаган тақдирда бошқа заводларнинг ишчилари иш ташлаганларни қувватлайдилар.

Италия қоғоз саноатидаги бир қанча йирик корхоналарнинг ходимлари яна икки кунлик забастовка эълон қилдилар. Улар корхона эгаларининг шу кунларда бўлган бир кунлик забастовка қатнашчиларига нисбатан кўрган жазо чораларига қарши норозилик билдирмоқдалар. Бу забастовка иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги талабларни қувватлаш юзасидан ўтказилган эди. (ТАСС).

Англияда Совет Иттифоқининг илмий-техника соҳасидаги муваффақиятларига қизиқиш

ЛОНДОН, 16 январь. (ТАСС). «Дейли телеграф энд Морнинг пост» консерватив газетанинг хабар беришича, илмий ва саноат тадқиқотлари департаментининг махсус бўлими инглиз мутахассислари ўртасида совет илмий-техника адабиётини кенг тарқата бошлаган. Газетанинг сиёсий обзорчиси, Англияда совет олимларининг муваффақиятларига зўр қизиқиш кўрсатилмоқда, деб ёзмоқда. Газета редакцион мақоласида, маъмурлар алла қачон бундай адабиётни тарқатишлари керак эди ва бу ишни бутун чоралар билан кенгайтириш керак, чунки «руслар кўп соҳаларда Ғарбдан ўзиб кетдилар», деб кўрсатмоқда.

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ПАРИЖ, 15 январь. (ТАСС). Бугун Париж шаҳри атрофидаги Сен-Денида Франция Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми очилди. Пленумнинг кун тартибида икки масала бор: департаментларнинг бош советлари сайловига тайёргарлик (докладчи Вальдек Роше) ва партиянинг тинчлик учун, атом қуроли билан қуроллашга қарши кураши (докладчи Лоран Казанова). Пленумнинг иши икки кун давом этади.

Лаос бош министрининг Вашингтондаги музокараларига доир

ВАШИНГТОН, 16 январь. (ТАСС). Бу ерда Лаос бош министри шаҳзода Суванна Фума билан АҚШ раҳбар арбоблари ўртасида олиб борилган музокаралар тугади. Давлат департаменти томонидан эълон қилинган ахборотда айтилишича, музокаралар вақтида «ҳар иккала мамлакатни қизиқтираётган» проблемалар муҳокама қилинган. Сўнгра ахборотда айтиладики, Лаос бош министри Патет-Лао билан тузилган сиёсий битим асосида миллий бирликка эришилганлигидан мамнун эканлигини билдирди. Шунингдек, Суванна Фума ўз ҳукумати мамлакатнинг мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлига қаттиқ амал қилади, деди.

Ахборотда кўрсатилишича, АҚШ Лаосга «ўзининг манъавий ва моддий ёрдамини беришга» тайёр эканлигини билдирган.

ВЕНЕСУЭЛАДА АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК, 16 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Каракасдан берган хабарига қараганда, Венесуэла пойтахтида қаторасига уч кундан буён студентларнинг Перес Хименес диктатурасига қарши норозилик намойишлари бўлмоқда.

Намойишчилар «Йўқолсин президент Перес Хименес», «Йўқолсин ҳукумат», «Сиёсий маҳбуслар озод қилинсин», «Биз эркин сайловлар ўтказилишини талаб қиламиз» деган шиорларни кўтариб юрдилар. Полиция намойишчиларни ўққа тутди. Намойишчилар орасида ярадор бўлганлар бор.



Ҳиндистон Республикаси. Бхилайда йилига 1 миллион тонна пўлат чиқарадиган металлургия заводи қурилаётир. Совет мутахассислари томонидан лойиҳаси ишланган бу иншоот қурилишига СССР ускуналари ўрнатилаётир. Қурилишда совет ва ҳинд ишчилари ҳамда инженерлари аҳиллик билан ишламоқдалар. **Суратда:** икки дўст — ҳинд ва совет пайвандчилари қурилишда.

Е. Егоров фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

СПОРТ

Шашка бўйича Тошкент чемпионати

Шашка бўйича республикамиз пойтахти чемпиони унвонини олиш учун бошланган мусобақада мастерликка кандидатлардан беш киши ва биринчи разрядлик II шашкачи қатнашмоқда.

Ҳозиргача 5 тур ўйналди. Бунда В. Локтюшин, Г. Стрежевский, А. Штерн, Л. Шварц ўртоқларни ютган ва А. Крейзельбурд билан дуранг қилган мастерликка кандидат В. Раппопорт беш имкониятдан 4,5 очко олиб, турнир таблицасининг голиби бўлди.

Мастерликка кандидат Е. Черкасский шашкачилар Н. Смольников, Л. Кац Г. Муродянцлар устидан ғалаба қозонди ва С. Гуляев, Д. Полоусов ўртоқлар билан бўлган ўйинни дуранг қилиб, 4 очкога эга бўлди.

Мастерликка кандидат С. Гуляев, В. Александров ўртоқлар ҳам ғолиблар қаторида бормоқдалар.

Мусобақа 1 февралгача давом этади.

Б. КАНИШЧИКЕР.

Физкультура тўгарагида

Шинамгина безатилган физкультура зали. Хона ўртасига турник, кзёл ўрнатилган. Ўнг тарафда брус, кальцо ва бошқа спорт асбоблари бор. Саф тортиб турган ўқувчилар ўқитувчи И. И. Шуликиннинг командаси билан спорт анжомлари ёнига келишди. Ёш, соғлом физкультурачилар спортнинг барча турлари бўйича машқ қилишга киришдилар.

Али Нажмиддинов турникка яқинлашди. У, БГТОнинг норма топшириқларини шу қадар моҳирлик билан бажарар эдики, кишининг ҳаваси келарди. Сўнгра Мирзакарим Эгамбердиевга гал келди. Ўқувчиларга завқ билан қараб турган Николай Петрович кулимсираб, бизга юзланди.

— Шу сиз кўриб турган болалар дастлабки кунларда спортга қизиқишмас эди. Эндичи, бири бирига навбат бергиси келмайди. Қаранг, ҳаммаси спорт билан чиниққан, тетик.

Янгийўл районидаги «Ўзбекистон XXX йиллиги» ўрта мактабида физкультура ва спорт яхши йўлга қўйилган. Биргина енгил атлетика тўгарагига 16 ўқувчи иштирок этмоқда. Бундан ташқари бу ерда шахмат-шашка тўгараги ҳам мунтазам равишда ишлайди.

— Ҳозир, — дейди ўқитувчи Шуликин, — 30 дан ортиқ ўқувчи БГТО ва ГТО значоклари олишга тайёрланмоқдалар. Улар значоклар нормасининг дастлабки икки машқини ўрганиб олдилар.

Қ. СОБИРОВ.

Телевизор экранида

18 ЯНВАРДА

19.30. Катта ёшдаги болалар учун «Соғлом бўламан десанг» деган темада эшиттириш.

20.00. Илмий-оммабоп фильм.

20.30. Рус тилида музикали эшиттириш.

21.10. Бадиий фильм — «Қалб қуйлайди».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/I да **Йўлчи юлдуз**, 19/I да кундуз **Алишер Навоий**, кечқурун **Жазоир, менинг ватаним!**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/I да **Шўрали**, 19/I да кундуз **Оққуш кўли**, кечқурун **Бўрон**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/I да **Азиз ва Санам**, 19/I да кундуз **Ватан ишқи**, кечқурун **Равшан ва Зулхумор**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 22 ва 23/I да **Концертлар**. Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ғулом Абдураҳмонов**, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Жалол Асимов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Рошель Мордухаев** ва солистлар қатнашади. Музика раҳбари — **Раббим Ҳамдамов**. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Гималай айиқларини ўргатувчи **Изабелла Адаскина гастролининг сўнгги кунлари**. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **уч марта тамоша** кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун кенг экранли янги бадиий фильм **Партизан учқуни**.

«ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги киноповесть **Кельнлик капитан**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
5 ва 6 февралда
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
М. Ашрафий музикаси

ДИЛОРОМ

5 парда, 7 кўринишли опера.

Либретто авторлари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Сталин мукофоти лауреати **Комил Яшин** ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Музаффар Муҳамедов** (Алишер Навойнинг «Етти сайёра» номли асари асосида).

Дирижёр — СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, профессор **Мухтор Ашрафий**.

Постановкачи — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Э. И. Юнгвальд-Хилькевич**.

Рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Сталин мукофоти лауреати **Мелн Мусаев**, костюмлар рассоми — **Г. Н. Цетелова**.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Галия Измайлова**.

Хормейстерлар — **Л. М. Шамшин, Фавзия Файзий**.

Режиссёр ассистенти — Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. И. Бойко**, дирижёр ассистенти — **Абдуғани Абдуқаюмов**.

Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
18, 19 январда
ЎЗБЕК САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

Катта концертлари

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Комилжон Отаниёзов**, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Санджон Калонов, Авнер Бараев**, VI Жаҳон фестивали лауреатлари **Фозил Харротов, Қаҳрамон Дадаев**, солистлардан **Берта Давидова, Эргаш Йўлдошев, Раима Ҳакимова, Салоҳиддин Жалилов, «Баҳор» рақс ансамбли, Хоразм музика, ашула ва рақс ансамбли** қатнашади.

Программада: ўзбек, тожик, уйғур, қорақалпоқ, ҳинд музика, ашула ва рақслари.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 3 дан ва район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136 Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 115,50, Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 00817. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-888.